

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
15 сентябрь
ШАНБА
№ 74 (13127)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ ВА ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЖАДАЛ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар қатор тизимли муаммо ва камчиликларга дуч келмоқда.

Хусусан, янгидан ташкил этилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиёт ва тадбиркорликни, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ҳамда туризмни ривожлантириш учун масъул бўлган ҳоким ўринбосарлари томонидан тадбиркорларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, шунингдек, мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга кўп ҳолларда бепарво муносабатда бўлинаётганлиги кузатишмоқда.

Республика ва жойлардаги давлат бошқаруви органларида кенг тарқалган ва бартараф этилмаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш, зарур ишлаб чиқариш объекти, ер участкалари ва кредит маблағларини ажратиш, муҳандислик-коммуникация ва бошқа инфратузилма объектиларини яратиш масалаларини ҳал этишдаги сансалорлик, бюрократизм ва тўсиқлар билан боғлиқ ҳолатлар тадбиркорлик субъектиларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга фаол жалб этиш, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажминини ошириш, саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг таъминлашга.

Бундан ташқари, жойлардаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларнинг малакаси ва амалий тажрибаси етарли даражада эмаслиги, республика давлат бошқаруви органлари томонидан улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ишларининг суғлиги қабул қилинаётган қарорларнинг самарали ижро этилишига ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тадбиркорлик субъектиларини кенг жалб этиш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, бўш турган объектилар, ер участкалари ва бошқа инфратузилмадан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси (ке-

йинги ўринларда Комиссия деб юритилди) 1-иловага мувофиқ таркибда;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар (кейинги ўринларда – ҳудудий гуруҳлар) 2-14-иловаларга мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ҳудудий гуруҳлар таркибига кирган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари асосий иш жойи бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилинади ҳамда доимий равишда ўзларига бириктирилган ҳудудда бўлади;

Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар ишига Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар раҳбарларининг қарори билан давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа вакиллари ҳам жалб этилиши мумкин;

Комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг сўровлари, кўрсатмалари барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан сўзсиз ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Куйидагилар:

а) Комиссиянинг асосий вазифалари этиб:

10 кунда камида бир марта жойлардаги давлат органлари ва ташкилотлари даражасида ҳал қилинмаган муаммолари масалаларни кўриб чиқиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга тўқинлик қилаётган мавжуд бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш;

тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган қарорлар, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан назарда тутилган қарорлар ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

ҳудудий гуруҳлар томонидан чуқур таҳлил асосида аниқланган тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишдаги бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш белгилансин;

б) ҳудудий гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб:

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини, шу жумладан, муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва бошқа инфратузилмани ўрганиш, шунингдек, уларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банклари маблағларини жалб этган ҳолда янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Давоми 2-бетда →

Бунёдкорлик

Бугун бири-бири билан ҳусн талашиб, бири-биридан обод бўлиб бораётган манзиллар халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин тимсоллари сифатида тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда.



корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор қаратаёلمиз. Бу ишларни амалга оширишда яратилаётган янги иш ўринлари аҳолимиз даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Жорий йилнинг ўзидаёқ "Хайрихон Омад Савдо" ва "Муродил Бизнес Савдо" корхоналари томонидан инвестицион лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади.

Шунингдек, яқин вақт ичида "Alliance Capital", "Dionis Construction", "Libertas", "Midas Sand" хорижий компаниялари томонидан жами 7 млн. АҚШ доллари қийматидаги маблағлар жалб қилиниб, 200 нафарга яқин ёшлар ишли бўлади.

Хабарингиз бор, шу йил 17-20 апрель кунлари вилоятимиз делегацияси Хитойнинг Чунцин шаҳрига амалий таширф билан борган эди. Музокаралар давомида 2 та инвестицион лойиҳани айнан Нурафшонда амалга оширишга келишиб олинди. Жами 51,5 млн. АҚШ доллари тенг ушбу лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилгач, 600 та янги иш жойи яратишга эришамиз.

Давоми 2-бетда →

Нурафшон:

БУГУНИ ҚУТЛУҒ, ЭРТАСИ ЁРУҒ ШАҲАР

Буни вилоятимизнинг навиқор шаҳри – Нурафшон мисолида ҳам айтиш мумкин. Бу ерда қарийб 43 минг аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар пойтахтимизга яқин бўлгани боис, одамларнинг орзу-умидлари, истаклари ҳам шунга ярашади.

– Бугунги кунда вилоятимизнинг маъмурий маркази ҳисобланган Нурафшон мам-

лакатимиздаги биринчи "ақли" шаҳар бўлади, – дейди шаҳар ҳокими Усмон Раҳимов. – Президентимиз ташаббуси билан замонавий мегаполисга айланаётган шаҳарда яқин йиллар ичида муҳташам иншоотлар, тураржойлар, ижтимоий объектилар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хибоналар барпо этилади. Шаҳар маркази орқали оқиб

ўтадиган суғий анҳор бўйлаб йўл ётқизибли, кўплаб инфратузилма объектилари ишга тушади. Мана шундай кўркам, файзли шаҳар аҳолисининг ҳаёт сифати ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Бу бизнинг энг катта мақсади-миз. Олдимизда турган долзарб вазифаларни бажариш учун инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган



«Обод қишлоқ» дастури – амалда

Янгийўл туманидаги "Халқобод" маҳалласида "Обод қишлоқ" дастури ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ХАЛҚОБОД – КУН САЙИН ОБОД

Қисқа фурсатда "Халқобод" маҳалласида 1 миллиард 900 миллион сўмлик маблаг эвазига 360 ўринга мўлжалланган икки қаватли 28-мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Таълим масканидаги барча ўқув хоналари замон талабларига мос жиҳозлар билан таъминланди.



ШИФЕРНИНГ ТАРКИБИ...


Муаммо,
мулоҳаза,
таклиф

анқонинг уруғиданми?

Ёхуд "Оҳангароншифер" акциядорлик жамияти нега бир неча йиллардан бўён барқарор ишламапти.

У аввалги шухрати тиклай оладими? Маҳсулот нархи нега осмонда?

3



Ҳамкорлик

БЕЛАРУСЬ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВИЛОЯТИМИЗДА БЎЛДИ



меҳмонларни мазкур соҳада ҳам манфаатли ҳамкорликка чорлади. Шунингдек, чорвачилик соҳасида истиқболли алоқаларни йўлга қўйиш юзасидан фикрлар алмашилди.

Музокаралар сўнггида икки ҳудуд раҳбари ўзаро ҳурмат ва ишонч рамзи сифатида бир-бирларига эсдалик сов-

галар топширдилар.

Беларусь делегацияси вакиллари вилоятимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, иқтисодий-инвестицион муҳит, туризм соҳаси ва қишлоқ хўжалигининг бир қанча йўналишларида иш олиб бораётган фермер хўжаликлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Ширинхон МҲМИНОВА,
вилоят ҳокимлиги ахборот
хизмати мухбири

Вилоят ҳокимлигида Беларусь Республикаси Минск вилояти ижроия қўмитаси раиси Исоченко Анатолий Михайлович бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов билан олиб борилган дўстона ва амалий мулоқот чоғида томонлар ўртасида тенглик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига риоя қилган ҳолда инвестициявий, савдо-иқтисодий, туризм, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорликни амалга оши-

риш юзасидан битим имзоланди.

Вилоятимиз ҳокими ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги янгиланиш ва ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берар экан, жумладан, Беларусь давлати ёғоч мебелсозлигида катта салоҳиятга эга эканини таъкидлаб,

БУТУН ОЛАМНИ ЖО ҚИЛГАН ЮРАК...

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуасига экскурсия уюштирди.

Эҳтиром

Унда Биринчи Президентнинг рафиқаси Татьяна Каримова ҳам иштирок этди. "Бутун оламни жо қилган юрак" деб номланган кўргазмани тадбир бўлиб ўтди. Шунингдек, Татьяна Каримова билим юрти курсанти томонидан яратилган Биринчи Президентнинг портрети, Ислам Каримов билан учрашув бахтига муяссар бўлган яна бир курсантнинг шеърини тўплами ва бошқа турдаги эсдалик совғалари тақдим этилди.

Учрашув давомида Татьяна Каримова билим юрти кўмондонлиги ва курсантларга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти хотирасини ўзига ақс эттирган китоб ва каталоглар ҳамда эсдалик кўкрак нишонларини топширди.

Тадбир доирасида билим юрти музейи мудираси Шохиста Ортиқова Ислам Каримов номи эсдалик медали билан тақдирланди. Курсантлар томонидан тайёрланган шеър, қуй ва қўшиқлар учрашувга завқ бағишладилар.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА,
ЎзА мухбири



Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳалқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аёл Оламли

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қўшма лойиҳаси

«Самолётда учиб келдингизми?»

Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимида эндигина иш бошлаган кезларим эди... Маҳалла билан маслаҳатли иш бор эди.

«Миробод» маҳалласи мутахассиси Фарида Ҳайтметовани телефон орқали чақирдим. Ҳокимлик биноси билан маҳалла идораси ораси ярим соатлик йўл эди, чамамда. Фарида опа бўлса, гўшакни қўйишим билан 5-10 дақиқа орасида кириб келди! – Ие, самолётда учиб келдингизми? Ё шу ердамидингиз? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Йўғ-ей, идорадан келаяпман, фақат самолётда эмас, велосипедда! Э, қойил! Олтишдан ошган аёл-

нинг велосипед миниши ҳаёлимга ҳам келмабди. Кейинчалик, у билан яқинроқ танишгач, Фарида опанинг гулдек нозик қалби, метиндек мустаҳкам иродаси, сабр-тоқати борлигига ишонч ҳосил қилдим. Қувонарлиси, туманимизда бундай аёллар кўп. Келинг, яхшиси қолган гапларни уларнинг ўзидан эшитайлик...

Кифоят ЭРМУХАММЕДОВА,
туман ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар кўмитаси раиси

Сабр дарахтининг меваси



Ўқувчиларга устозлик, оналик меҳрини беролган бағрикенг инсонлардан. Ўқувчилари ҳам устозига ўз фарзандидек меҳр қўйишган экан. Шунданми, тақдир синовларини мардона энгиб келган устоз 37 ёшида ҳақиқий оналик бахтига эришди. Кўп ўтмай маҳалламизнинг ҳам онасига айланди, десам муболага бўлмас.

Зеро, 2 минг 563 нафар аҳолига эга «Миробод»нинг ҳар бир хонадонидан хабар олишга улгурадиган онахонни маҳалладошлар ўзларининг яқин дўсти, деб билади. Маҳалламизда жиноятчилик рўй бермаслигида ҳам Фарида опа-

нинг алоҳида хизматлари бор. Икки хонадондаги нотинчлик бартаф этилгани, ҳозир улар ҳам аҳил-иноқ яшаётгани фикримиз исботи. Уч нафар кам таъминланган, ўн олти нафар ногиронлиги бўлган аҳоли ҳолидан доимий хабардор бўлиб туришни ўз бурчи деб биландиган маҳалла мутахассисининг фарзандлари ҳам оналари каби эл-юрт хизматида бел боғлашган. Ўғли Иноятхон Бухорода ҳарбий хизматда, қизи Азизахон эса бу йил Чирчиқ шаҳридаги педагогика олийгоҳи талабаси бўлди.

Айниқса, аёллар спортини ривожлантиришга

қўшаётган ҳиссаси катта. Велосипедчи аёллар ўртасидаги мусобақада маҳалламиз хотин-қизлари 1-ўринни кўлга киритганлари бежиз эмасда! Бизда, ҳатто, патронаж ҳамшираларимиз ҳам велосипедда юришади!

Вилоятимизда «Энг намунали маслаҳатчи», дея тан олинган Фарида опа шу йил апрель ойидан маҳалланинг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси вазифасида иш бошлади.

Наргиза НОСИРОВА,
«Миробод» маҳалла
фуқаролар йиғини
фаоли

Озода Абдурахмонованинг Окқўрғондан келин бўлиб тушганига 30 йилдан ошди. Асли биология ўқитувчиси бўлган Озода опа туманимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаятган халқ таълими аълочиси, «Шуҳрат» медали, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондоридир.

Окқўрғонлик Озода келин

У иш бошлаган 25-умумтаълим мактаби кўп йиллардан буён биология фанини ўқитиш бўйича таянч мактаби ҳисобланади. Ўқувчиларда тиббий маданият, табиатга меҳр туйғусини шакллантиришдаги жонбозликлари эътирофга лойиқ.

Унинг ишини давом эттираётган шоғирдлари Камола Эргашева, Шаҳноза Қобилвалар ҳам келгусида устозлари каби биология фанининг билимдони, болажонларга чуқур илм бера оладиган етук мутахассис бўлиш ниятида. Янги ўқув йилидаги дарсларини ҳам инновацион ғоялар – соҳага доир янгиликлар, замонавий техник воситалардан унумли фойдаланган ҳолда бошлашди.

– Устозимизнинг «Ўқитувчи, аввало, ўқувчиларни ўз фарзандидек севиши, фанини чуқур ўзлаштирган бўлиши керак», деган ўғитига амал қилиб, кам бўлмaysимиз, – дейди Камола. – Озода опа нафақат устозимиз, балки ибратли оила соҳибаси сифатида ҳам биз учун ўрнақдир.

О. Абдурахмонова умр йўлдоши билан уч қизни тарбиялаб вояга етказган, қудаларидан фақат раҳмат эшитиб келаятган бахтиёр она ҳам. Катта қизи Феруза ўқитувчи, Наргиза ва Муҳлиса эса, дадалари каби тадбиркорликни танлашган.

Дарҳақиқат, ўқитувчиларимизга ҳар томонлама ибрат бўлаётган Озода Абдурахмонованинг фазилатлари ҳақида ҳали узоқ сўзлаш мумкин. Унинг «Меҳнат шуҳрати» орденига муносиб қўрилгани туманимиз ўқитувчиларига берилган юксак баҳодир.

Бекзод ЭШДАВЛАТОВ,
туман халқ таълими бўлими шўба мудири

Бахтнинг бешигидан воз кечманг...

Оилаларни мустаҳкамлашда тарбияни биринчи ўринга қўйган бўлардим. Айниқса, аёллар, хотин-қизларнинг ўрни бу борада бекиёс. Ахир, туманимиздаги 26 минг 35 та оиланинг жон риштаси аёллар, оналар эканини ким ҳам инкор эта оларди?!



Лекин, оилавий ажримларга кўп ҳолатда қайнона-келин муносабатлари сабаб бўлаётганига кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, мураккаб гўдакларнинг уволидан кўркмайидиган оталар, оналарга гап ўқитириш осон эмас.

Шу кунгача яраштиришга муваффақ бўлганимиз 22 оилага аҳиллик, тотувлик тилаш баробарида, ярашишдан бош тортаётганларнинг ваз-қарсонларини айтмай илож йўқ. Токи, бу бошқаларга сабоқ бўлиши даркор!

– Қўқондан келин бўлиб тушганман, – дейди 20-25 ёшлардаги жувон. – Умр

йўлдошим билан бир йил яшадим. Аммо, фарзандимиз бўлмади. Кейин Қўқонга қайтиб кетдим. Шунга ҳам уч йил бўлди. Ажрашмоқчиман. Лекин, бу ишни улар кечиктиришасяпти...

Ўқитувчи, аввало, ўқувчиларни ўз фарзандидек севиши, фанини чуқур ўзлаштирган бўлиши керак», деган ўғитига амал қилиб, кам бўлмaysимиз, – дейди Камола. – Озода опа нафақат устозимиз, балки ибратли оила соҳибаси сифатида ҳам биз учун ўрнақдир.

О. Абдурахмонова умр йўлдоши билан уч қизни тарбиялаб вояга етказган, қудаларидан фақат раҳмат эшитиб келаятган бахтиёр она ҳам. Катта қизи Феруза ўқитувчи, Наргиза ва Муҳлиса эса, дадалари каби тадбиркорликни танлашган.

тириб, кўч-кўронини уйидагилардан сўроқсиз йиғиштириб олиб кетган! Маҳалла мутахассиси («Богистон» МФИ) Малоҳат Мухаммедова эса, қизининг оиласи яхши эди... дейишдан нарига ўтолмайди.

Бу гаплардан мақсад – аёллар бежизга жамият таянчи, дейилмайди. Токи, оилалар мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан хотин-қизларга боғлиқ. Шу маънода, туманимизда соғлом, мустаҳкам оилалар кўпайса, дейман.

Шавкат ҲАЙДАРҚУЛОВ,
туман «Оила» илмий-амалий маркази раиси

«Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади», деганлари рост экан. Бўлмаса, теракдан «асфальт» қилинадими ёки мош эксанг гулзор пайдо бўлармиди?! Лекин, маҳалламиздаги 27-умумтаълим мактаби директори Яйра Усмонова шундай тадбирли, ишнинг кўзини билладиган раҳбарлардан. Мактабнинг икки гектар ерида яратган мевазор, экинзор, гулзорлари доимо яшнаб туради.

Теракдан... асфальт, мошдан... гулзор яратиб

– «Обод жойда покиза инсонлар яшайди», деган гап ҳаётимиз мазмунига айлانган, – дейди Яйрахон. – Ўқир-чўқир, тошлоқ йўлдан юриб келган ўқувчилар қайфиятига қараб, тезроқ йўлларимизни асфальтлашмиз кераклигини ўйладим. Маблағни эса, боғимиздаги тераклар ҳисобига тўлдирдик. Қолаверса, боғдаги гуллар турган олмаю, олча дарахлари, чамандек очилган анвойи гулларни кўрганда, завокқа тўладиган болажонларнинг ички дунёси, маънавий олами нечоғлик бой бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг! Гулларни янада кўпайтириш учун етилиб турган мошни сотдик. Уни ҳам ўқувчиларимиз билан парваришлаганимиз...

Яйрахоннинг сўзларига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, икки ўғилни ҳам ота, ҳам она бўлиб вояга етказётган мунис аёлнинг борлиққа, одамларга бўлган меҳри бекиёс. Ҳар бир ўқувчисининг ютуғидан қувониб, дунёларга сиғмай кетади. Яқинда кикбоксинг бўйича Анапа шаҳридаги халқаро мусобақада қатнашган ўқувчи Жасурбек Андакулов 61 та мамлакат спортчилари орасида бронза медалини кўлга киритиб қайтганида қувонганини айтмайсизми? Ўқитувчи, аввало, ўқувчиларни ўз синфига телевизор олиб келиб қўйганини айтиб шодланганичи! Ҳар бир ўқитувчи, ўқувчисининг фазилатини айтиб чарчамайдиган раҳбар «Қизлархон» клуби аъзоларининг «Обод кишлок», «Обод хонадон», «Обод кўча» мусобақаларини, шеърхонлик кечалари ҳақида ҳам тўлиб-тошиб сўзлаб берди.

Фазилатхон ҚҮРБОНОВА,
«Галабатор» МФИ мутахассиси

Қуйи Чирчиқ туманида 104 минг 900 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 51 минг 426 нафари хотин-қизлар, 12 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади. 37 та маҳалла фуқаролар йиғини, 21 минг 192 та хонадон, 26 минг 35 та оила мавжуд.

Туман хотин-қизлар кўмитаси ўз қошида ташкил этилган «Хотин-қизлар жамоат фонди», «Оила» маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тизимли саноат-харажатлар олиб бормоқда.

Қайнотанинг ҳиммати – келиннинг саодати

Гулнозанинг «Гул» маҳалласига келин бўлиб тушганига уч йил бўлди. Кексаларимиз «Қиз бола жойига тушинганда», деб дуо қилишганича бор. Дарҳақиқат, Гулноза Файрат ва Сайёра Турдибоевлар хонадонига тушиб, кам бўлмади.

Коллежни дизайнерлик йўналиши бўйича тугатиб, турмушга чиққач, кейин нима иш қилишини тасаввур ҳам қилолмаган бўлса керак. Аммо, дурдгорт-тадбиркор қайнота, шифокор қайнона, турмуш ўртоғи Санжарбекнинг қўллаб-қувватлаши билан оилада ҳам, жамиятда ҳам муносиб ўрнига эга бўлди. Бағрикенг, меҳнаткаш қайнота келинига тикув цехи учун чиройли бино қуриб берди. Тиждат банки ажратган 47 миллион сўм цехни тезгина ишга туширишга ёрдам берди. Айниқса, маҳалладаги хотин-қизларнинг қувончини айтмайсизми? Уларнинг 30 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. Прездентимизнинг «Yoshlar – kelajagimiz!» Давлат дастури асосида яна 14 та тикув машинаси олинди. Тикувчи қизларнинг ҳам қайфияти кўтаринки. Маошлари ўз вақтида тўлаб борилапти.

Дарвоқе, Гулнозанинг ширингина қизалоғи бор. Сайёра опа ишдан келгач, невараси билан андармон. Тадбиркор келинига астойдил ёрдам берапти. «Бирлашган ўзар», деганларидак, Гулнозанинг цехида тикилаётган эркак аёллар, болалар кийимлари нафақат туман, вилоят, балки яқин қўшни давлатларда ҳам ўз харидорини топишмоқда. Келгусида бу кичик корхона уй бекалари-



нинг сеvimли масканига айланиб, маҳалламизга янада фойда қилишига ишонамиз. Бунинг учун Турдибоевлар хонадониди имконият, шароитлар етарли.

Назира САЛОҲИДДИНОВА,
туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаоли

Шундай қилиб, Қуйи Чирчиқ хотин-қизлари ҳақидаги ҳикояларимизни якунлашга бир оз қийналганимиз рост. Ҳали айтимасан гаплар кўп. Туманинг кўп миқдорида аҳолиси, бунёдкор ёшлари, ишжўяли аёллари ҳақида чиндан ҳам, кўп ва ҳў сўзлаш мумкин. Қолгани энди кейинги сафарга...

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Сайёра РИХСИЕВА тайёрлади
Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
11 860 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-58-85 (факс)
233-70-10
233-55-38
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Маҳмуджасов
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Навбатчи
Эрлин НОРБЕКОВ
Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА